

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ФАРХАТ ФАРМАНОВИЧ

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИК СИГНАЛЛАРГА РАҚАМЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ УСУЛ, АЛГОРИТМ ВА АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ
МАЖМУАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ражабов Фархат Фарманович

Электрокардиографик сигналларга рақамли ишлов бериш усул,
алгоритм ва амалий дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш 3

Ражабов Фархат Фарманович

Разработка способа, алгоритма и комплекса прикладных программ
для цифровой обработки электрокардиографических сигналов 21

Rajabov Farkhat Farmanovich

Development of a way, algorithm and complex application programs for
digital processing of electrocardiographic signals 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ФАРХАТ ФАРМАНОВИЧ

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИК СИГНАЛЛАРГА РАҚАМЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ УСУЛ, АЛГОРИТМ ВА АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ
МАЖМУАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1422 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Джуманов Жамолжон Худайкулович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахматуллаев Марат Алимович**
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтиёр Саидович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» aprel да соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2/186 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил «02» aprel куни тарқатилди (2021 йил «14» yanvar даги 02 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор


Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент


М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...ҳар йили юрак-қон томир касалликларидан (ЮҚТК) 17,5 миллион киши вафот этади. ЮҚТК ўлимнинг 75% дан ортиғи, кам ва ўрта даромадли мамлакатларда содир бўлади. Агарда ўз вақтида ташхис қўйилса, юрак хуружлари ва қон томир касалликлари натижасидаги бевақт содир бўлган ўлим ҳолатини, 80 фоизини олдини олиш мумкин бўларди»¹. ЮҚТК натижасидаги бевақт ўлимнинг олдини олишнинг самарали усули бу электрокардиографик (ЭКГ) сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари қўллаб тезкор ва сифатли ташхис қўйишдир. Шу сабабли мазкур соҳада ривожланган мамлакатларда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда ЭКГ сигналларига ишлов бериш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда замонавий тиббий информатика тизимларини ривожлантириш борасида компьютер технологиясига асосланган электрокардиография усуллари ва дастурий мажмуаларни ишлаб чиқишга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Маълумки, ЭКГ сигналлари- бу юрак мушак (миокард)ларининг қисқаришидан ҳосил бўладиган биопотенциаларни кўп каналли ўлчагичи бўлиб, илмий изланишлар натижасида янги тезкор ва аниқ вариантларини яратиш устида интеллектуал алгоритмларга асосланган тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, ЭКГ сигналларига ишлов бериш учун математик моделлар, алгоритмлар ва маълумотлар базаси ҳамда қулай интерфейсга эга дастурий мажмуа ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ЭКГ сигналларига замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ишлов беришнинг назарий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Республикамизда ахборот технологияларининг ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли аҳолининг йирик қатламини ахборот технологияларига асосланган қулай дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, қурилма-дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш самарадорлигини оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланишда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ЮҚТКни ўз вақтида ташхислаш учун математик моделлар, алгоритмлар ва уларнинг дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 30 июндаги

¹ https://www.who.int/cardiovascular_diseases/ru/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 9 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЭКГ сигналларни ишлов беришнинг самарадорлигини ошириш, уларни олиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш масалаларини, дунёдаги ривожланган давлатлар илмий марказларида яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Микроэлектроника ва компьютер технологиялари жадал ривожланиши билан тавсифланган тадқиқот муаммолари, сигналларни филтрлаш, асбоблар бузилишларини амалда камайтириш, иккинчи томондан, илгари амалга ошириш имконсиз бўлган ва жаҳон илмий адабиётларида кенг ёритилган рақамли сигналларни қайта ишлаш усулларини қўллашга имкон беради. Ушбу соҳада Ж.Пан, Ж.Томпкинс, Н.К.Смоленцев, П.С.Аддисон, С.Малла, А.Оппенхайм, А.В.Меркушева, Ф.Среа, П.Самиси, Р.Десатрина ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари биосигналларга ишлов бериш алгоритмлари ва воситаларини такомиллаштиришга бағишланган. Бундан ташқари тадқиқотлар ва биотиббӣёт маълумотларни реал вақт шароитида қайта ишлаш учун аппарат-дастурий мажмуасини яратиш, рақамли сигналларни қайта ишлаш ва узатишнинг самарали алгоритмларига бағишланган илмий ишлар Р.Хемминг, С.Д.Кургалин, Д.Дажин, К.Блаттер, Я.А.Туровский, И.Ю.Кретинин, С.М.Арбузов, И.С.Губарев, А.В.Максимов ва бир қатор олимларнинг илмий мақолалари физиологик жараёнларни автоматик аниқлаш ва таҳлил қилиш учун юрак уриш траекториясини аниқлашда ЭКГ аппаратини қўллаш самарадор эканлиги кўрсатмоқда.

Республикамиз олимлари ва тадқиқотчиларининг асосий илмий ишлари В.К.Кабулов, Б.Н.Хидиров, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, А.Абдуқаюмов, С.Сайидалиев, Ж.Х.Джуманов, Б.Б.Мўминов, Н.Р.Ҳамдамов ва бошқалар биотиббӣёт сигналларига рақамли ишлов бериш ва аниқланган кўрсаткичлар асосида ташхис қўйиш йўналишидаги тадқиқотларга ўз хиссаларини қўшганлар.

Рақамли қайта ишлаш технологиялари, дискрет вейвлетлар таҳлиллари, Фурье дискрет таҳлилларини қўллаб, рақамли аппарат ва дастурий воситалар яратиш кераклигини ҳисобга олиб, биотиббӣий сигналларни қайта ишлаш

самарадорлигини оширадиган усуллар, алгоритмлар ва дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг №БВ-Атех-2018-249 «Биометрик сигналларга рақамли ишлов бериш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқариш» (2018-2019) ва №БВ-Ф4-011 «Сигнал ва тасвирни қайта ишлаш масалаларида параллел ҳисоблаш усуллари, воситалари ва назариясини ишлаб чиқиш» (2015-2018) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрокардиографик сигналларни автоматик таниш усул, алгоритм ва амалий дастурий мажмуаси асосида юрак-қон томир касалликлари диагностикаси самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биотиббиёт электрокардиографик сигналларини олиш, қайд қилиш, рақамли қайта ишлаш усуллари ва алгоритмлари таҳлилинини ўтказиш ҳамда дастурий воситасини ишлаб чиқиш;

электрокардиографик сигналларни олиш ва қайд қилишни бошқарув ҳисоблаш машинасининг дастурий мажмуаларидаги ўзаро алоқасини яратиш; мавжуд алгоритмлар ва усулларни таҳлил қилиш асосида электрокардиографик сигналларни автоматик танишнинг вейвлет трансформацияси усулини ишлаб чиқиш;

ҳозирги замон технологияларидан фойдаланиб, амалий дастурий мажмуа ва қулай инсон-машина интерфейсини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электрокардиографик сигналлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети электрокардиографик сигналларни таҳлил қилиш ва таниб олиш моделлари, усуллари ва алгоритмларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, сонли усуллар, рақамли сигналларни қайта ишлаш назарияси, математик моделлаштириш, рақамли филтрлаш, спектрал, вейвлет таҳлил усуллари ва қарор қабул қилиш алгоритмларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

чекланган импульс характеристикали норекурсив филтрнинг каноник тузилиши яратилган ва стресс тест ҳолатида электрокардиографик сигналларни тремор, миографик шовкинлардан тозалаш алгоритми ишлаб чиқилган;

аналог-рақамли ўзгартиргич қурилмасидан электрокардиографик сигналларни олиш ва маълумотларни экранда тасвирлашда бошқарув ҳисоблаш машинасининг дастурий мажмуасидаги ўзаро алоқа алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда кўп каналли биотиббиёт ўлчагич қурилмасининг функционал схемаси яратилган;

вейвлет филтрлашга асосланган вариабил морфологияли электрокардиографик сигналларнинг тишчаларини автоматик таниш алгоритми ишлаб чиқилган ва дастурий таъминоти яратилган;

электрокардиограмма амалий дастурий мажмуасини тилга боғлиқсизлигини ҳисобга олган ҳолда график кўринишдаги виртуал асбоблар панелининг инсон-машина интерфейси яратилган ва бошқарув ҳисоблаш машинаси билан маълумот алмашиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурлар асосида биотиббиёт сигналларни қайта ишлашнинг самарали усуллари яратилган;

ишлаб чиқилган алгоритмлар ва тавсия этилган усуллар электрокардиографик сигналларни қайта ишлашнинг сифатини сезиларли даражада яхшилаб, ЮҚТК ташхис аниқлигини таъминлаш учун «SuproDil-3» дастурий таъминоти яратилган;

электрокардиограмма сигналларининг QRS комплексини автоматик аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у автоматлаштирилган ташхис қўйиш ҳамда юрак ритмини бузилишларини таҳлил қилишда қўлланиладиган юрак уриш тезлигини назорат қилиш ва RR- интервалларининг қийматларини аниқлашнинг такомиллаштирилган алгоритми яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қурилма таснифлари, амалий дастурий таъминотини хусусиятлари, табиати турли хил шовқин ва халақит сигналларини аниқлаши ҳар хил тизимларда кўплаб дастурий, амалий тажрибаларни ўтказиш билан тасдиқланиб, яқуний хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электрокардиографик сигналларнинг ҳар хил, жумладан, ностационар ҳолатларда, улар таркибидаги ахборотни сезиларли кучайтириш учун, саноат частотали шовқинлардан тозалаш усул ва алгоритмларини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «SuproDil-3» электрокардиографика амалий ва тизимли дастурий мажмуа яратиш натижасида, кардиологиядаги ЮҚТК ташхисига сарф қилинадиган вақтни камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқотлари доирасида компьютер тиббиёт комплекси яратилиб, электрокардиограмма биосигналларини самарали қайд қилиш, рақамли қайта ишлаш, автоматик таниш алгоритмлари, ташхислаш усуллари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электрокардиографик сигналларни автоматик таниш алгоритми, бошқарув ҳисоблаш машинасини дастурий мажмуаларидаги ўзаро алоқаси ва рақамли ишлов бериш усуллари «СУПРОМЕД» корхонасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 33-8/5956-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида серияли ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган «SuproDIL-3» компьютер электрокардиографининг дастурий таъминоти яратилган ва компьютерли диагностика тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

виртуал асбоблар панели кўринишидаги инсон-машина интерфейси асосида ишлаб чиқилган электрокардиограмма сигналларига ишлов бериш, автоматик таниш комплекси ва маълумотлар базаси дастурий таъминоти «Карима» хусусий клиникасига ва «Аксис-Атлант» МЧЖга жорий қилинган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/208-сон маълумотномаси). Натижада юрак-қон томир касалликларини ташхис қилиш жараёнини осонлаштирилиб, сифати ва тезлиги оширилиб, сарфланган вақтни 10-15 % камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 27 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 2 таси хорижий журналларда ва 5 таси республика журналларида ҳамда ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисида 3 та гувоҳнома ва 2 та ихтиро даслабки патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биосигналларни йиғиш ва рақамли қайта ишлаш усуллари**нинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» номли биринчи бобида юрак-қон томир тизими касалликларини аниқлаш учун ЭКГ биосигналларини йиғиш усуллари, тарихи, ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари умумий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Замонавий электрокардиографларнинг параметрларини аниқлаш учун, типик вакил ЭКГ сигналининг шакли (1-расм), шунингдек унинг асосий характерли нуқталари, частота-вақт хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Электрокардиограф нормал ишлаши учун, унинг ўтказиш характеристикасининг ўзгариши, 3 дБ дан ошмаган ҳолда, частоталар 0,05 дан 120 Гц гача бўлган диапазонда бўлиши талаб қилиниши аниқланди. Ҳолбуки, агар юқори частота қиймати учун аниқ асосли талаблар бўлмаса ҳам - турли манбаларда 75 дан 250 Гц гача чегаралар кўрсатилган. Аммо унинг қуйи

частотасининг қиймати 0,05 Гц - диагностик муҳим ЭКГ мезонлари билан аниқланади. Масалан, занжирнинг вақт ўзгармаси 3,2 секунддан кам бўлса унда энг паст ўтказиш частотаси 0,05 Гц катта бўлади ва натижада, электрокардиограммадаги паст частотали S-T интервалини кўринишининг бузилиши кузатилади, бу еса юрак хуружи бор ёки йўқлиги тўғрисида нотўғри хулосага олиб келиб, миокард инфарктини нотўғри ташхисига олиб келади. Бошқа томондан, баъзи ЭКГ усулларида, масалан, стресс тестларда, изолинияни яхшироқ ушлаб туриш учун атайлаб вақт константаси(ўзгармаси) кичкинароқ қилиб танланади.



1-Расм. Стандарт вақил ЭКГ тўлқинини асосий компонентлари ва шакли.

Электромиографик сигналларга боғлиқ бўлган шовқинларни сўндириш учун сигналнинг частотасини 60-70 Гц гача чеклайдиган треморга қарши паст частотали филтрга (ПЧФ) ва саноат тармоғи манбаларидан ҳосил бўладиган шовқинларга қарши курашиш учун 50 Гц (60 Гц) сўндирувчи филтрга эга бўлиш керак. Демак, электрокардиографда вақт ўзгармаси камида 3,2 сония бўлган ўзгарувчан ўтказгичли юқори частоталар филтри, саноат тармоғи манбаларидан ҳосил бўладиган шовқинларидан ҳимоя қилувчи режектор филтри ва у билан бирлаштирилган ёки алоҳида бажарилган паст частоталар филтри бўлиши мақсадга мовофиқлиги аниқланди.

ЭКГ сигнални рақамлаштириш учун намуна олиш тезлиги шу сигнални энг юқори ўзгарувчи ташкил этувчисидан икки баравар катта бўлиши талаб қилиниши маълум. Одатда, Америка кардиологлар ассоциацияси томонидан тавсия этилган намуна олишнинг 500 Гц тезлигидан фойдаланилади. Замонавий қурилмаларда амплитуда ўлчамлари аниқлаши камида 5 мкВ бўлишлиги талаб қилинади. Кардиоэгриликнинг юқори аниқлиги қайта ишлашнинг айрим турлари учун (масалан, юқори аниқликдаги ЭКГ), шунингдек, электрокардиограммни экранда ёки қоғозга кўчиришда сифатли намоиш қилиш учун бу зарур бўлади.

Таҳлил қилиб чиқиш шуни кўрсатадики, замонавий компьютер технологиялари қўллаш асосида битта қурилмада ЭКГ сигналининг ёзиб олишнинг турли усулларида фойдаланишга имкон яратади.

Таҳлилимиз якунида, ЭКГ тизимларида биотиббӣёт сигналларнинг рақамли ҳисоблагичлари қурилмалари ва тизимлари яратиб ишлаб чиқариш учун классик ёндашувга хос бўлган чеклов ва камчиликни таъкидлаш керак:

олинишларни шакллантириш схемасининг кириш қисмида аниқ резисторлар бўлишлиги;

киритишда синфаз шовқинларни сўндириш учун нисбатан мураккаб инструментал кучайтиргичларининг мавжудлиги;

юқори частотали филтёрларни яратишда катта ўлчамли, юқори сифатли конденсаторларни бўлишлиги;

аналог сигнал спектрини етарлича чеклаш учун юқори тартибли ПЧФ қўллаш, 12-битли аналог-рақамли ўзгартиргич (АРЎ) киришида танлаш-сақлаш ва мултиплексор қурилмаси бўлишлиги, сигналнинг қўшимча ночизиқли ўзгаришларига, шунингдек каналлараро ўзаро таъсирга олиб келади.

Шунинг учун замонавий компьютер ЭКГ ускуналарининг кириш қисмида истиқболли, 24-битли дельта сигма АРЎ дан фойдаланиш ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий компьютерли ЭКГ тизимлари икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми ЭКГ бошқарув ҳисоблаш машинаси яъни, контроллер деб аталади. У фақатгина ЭКГ биосигнаolini олиш ва ёзишга ўхшаган ўзига хос махсус вазифаларини бажаришга мўлжалланган. Унинг вазифаларига шунингдек, ЭКГ сигналларини рақамли оқимини стандарт интерфейслар (USB, WIFI, Bluetooth) орқали универсал компьютерга тайёрлаб юбориш киради. Шундай қилиб, тизимни иккинчи қисмини умумий фойдаланиш учун мўлжалланган универсал компьютер (шахсий компьютер, ноутбук, планшет ва бошқалар) ташкил қилиши аниқланди.

Диссертациянинг **«Филтёрларни ҳисоблаш ва биотиббӣёт сигналларини қайта ишлов бериш алгоритмларининг таҳлили»** номли иккинчи бобида, мавжуд рақамли филтёрлаш усуллари ва ЭКГ биосигнаoliniнинг характерли нуқталарини автоматик аниқлаш алгоритмларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилишга бағишланган.

Рақамли норекурсив паст частотали филтёрлар юқори частотали шовқинлар фонида фойдали биосигнални тозалаш ва ажратиш учун кенг қўлланиши аниқланди.

ЭКГ сигналларини рақамли ишлов бериш алгоритмларини таҳлили асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

ЭКГ сигнали QRS комплексининг асосий энергияси 17 ± 3 Гц оралиғида тўпланган;

физиологик сабабларга кўра иккита R ва R тишчалар (QRS комплекси) орасидаги масофа (1-расм) 150 мс дан кам бўлмаслиги аниқланди;

портатив тизимларда, масалан, кўчма ЭКГ тизимларида, ЭКГ сигналларининг априор маълумотлари асосида дифференциал олиш ва вақт - амплитуда таҳлилинини қилишга асосланган алгоритмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

Пан ва Томпкинс алгоритми вақт синовидан ўтган, оммабоп ва тезкор, QRS комплексларини сифатли таниш усулидир;


ЭКГ сигнални ажратиш ва синфаз шовқинларини бостириш асосан рақамли норекурсив ПЧФ алгоритмлари ёрдамида амалга оширилди;

ЭКГ бошқарувчи ЭХМ - контроллери сатҳида, ноль қочишини (дрейфи) ва мушаклар тремори таъсирини камайтириш учун, асосан рекурсив ЮЧФ алгоритмлари қўлланилди;

алгоритмлари Фурье тезкор трансформацияси ва тезкор вейвлет трансформациясига (ТВТ) асосан ЭКГ сигналини иккиламчи (қайта ишлаш) ва сиқиш учун ишлатилди.

Стационар компьютерли ЭКГ тизимларида нейрон тармоқлари ва ТВТ асосланган ЭКГни таҳлил қилиш алгоритмлари истиқболи ҳисобланади.

Диссертациянинг «Биотиббиёт ЭКГ сигналларини рақамли ишлов берувчи компьютерли тизимнинг бошқарув ҳисоблаш машина қурилмасини ва тизимли дастурий таъминотни яратиш» номли учинчи бобида ЭКГ контроллери яратиш ва у учун тизимли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Унверсал компьютерга узатиш самарадорлиги ва ишончилигини ошириш учун ЭКГ маълумотларини қайта ишлаш алгоритмлари ва усуллари танланган ва асосланган. Ушбу бобда ЭКГ контроллерини яратиш учун моделлаштириш, тизимли дастурий таъминотини (драйверларини) лойиҳалаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Драйверларни яратишдан олдин ЭКГ контроллерини тузилиши батафсил ишлаб чиқилган (2-расм).



2- Расм. Кўп каналли ЭКГ БХМ контроллерининг тузулиш чизмаси.

Бунда, аналогдан рақамга ўзгартиргич (APЎ) сифатида Texas instruments дан тўла аналог қисмини ўзида мужасамлаштирган чип ADS1298 (99) IPAG қўлланилган. Шу мақсадда мавжуд ўта катта интеграл схемаларнинг (ЎКИС) киёсий таҳлили ўтказилди. Тўлиқлиги ва техник хусусиятлари туфайли энг мос келадиган ADS1298(99) ЎКИС танлаб олинди.

Тўлиқ аналог интерфейсли ва юқори аниқликдаги (24 бит) сигма-делта APЎ билан жиҳозланган ушбу ЎКИС, асосан рақамли сигналларни филтрлаш принципларига асосланади. Уни қўллаш аналог сигналларни филтрлаш

талабларини пасайтиради ва натижада, инструментал ёки бошқа кучайтиргичлардан фойдаланишга ҳожат йўқ.

Замонавий талабларига жавоб берадиган рақамли кўп каналли ЭКГ сигналининг қўйидаги биоўлчачи бошқариш мосламаси ишлаб чиқилган (2-расм):

автоном электр таъминоти;

киритиш ва чиқаришнинг график интерфейси;

сониясига 500 марта частотали юқори аниқликдаги (4 мкВ) АРЎ;

тўлиқ аналог қисми УКИС;

ЭКГ маълумотларини микро-СД (microSD)да сақлаш қобилияти;

асосий компьютер билан симли USB ва симсиз Bluetooth алоқаси;

АРЎ графикли экран ва сенсор учун драйверлар ишлаб чиқилган ва ушбу контроллерни ишлашни таъминловчи бошқариш интерфейс дастури яратилган.


АРЎ драйвери ишлашни таъминлаш ва маълумотларни узатиш жараёндан марказий процессорни озод қилиш учун тўғридан-тўғри хотирага мурожаат қилиш (ТХМҚ-DMA direct memory access) технологиясидан фойдаланилган. ЭКГ олиш дастурини «осилиб» қолмалигини таъминлаш учун «Watch dogs» технологиясидан фойдаланилган. Бу АРЎ қурилмасини ва контроллерни тасодифий носозликларидан ҳимоя қилишда фойдаланилган.

Яратилган LCD драйвернинг ўзига хослиги «Hi color» R5-B6-G5 режимида ЭКГ маълумотларини чизиш учун график маълумотларни реал вақт режимида намойиш этишга йўналтирилганлигидадир.

Экраннинг ишлаб чиқилган драйвериде беш нуқта ёрдамда, уч нуқтали сирпанувчи ойна алгоритми асосида ва босиш кучини ҳисобга олиш туфайли, тегиниш координаталарини аниқлашнинг юқори аниқлиги таъминланади. Бу, айниқса, ЭКГ характерли нуқталарини ўлчаш учун қўлда маркёрларни ўрнатишда жуда муҳимдир.

Диссертациянинг «Компьютерли ЭКГ нинг амалий дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобида объектга йўналтирилган визуал дастурлаш тизими асосида яратилган ва Microsoft Windows операцион тизимида ишлашга мўлжалланган «SuproDil-3» дастурий таъминотининг тавсифланади.

Амалий дастурий таъминот (АДТ) да фойдаланувчининг график интерфейси (3-расм) (WIMP интерфейси: WIMP - ойна, Image - тасвир, Menu - меню, Pointer - кўрсаткич) ишлатилган - экранда дастур функциялари элементлар сифатида график примитивлар билан ифодаланади. ЭКГ график интерфейсини яратиш учун метафора усули ишлатилди. Бу ишлаб чиқувчига ҳар сафар янги модель яратмасдан, балки илгари яратилган тайёр моделдан фойдаланишга имкон беради. ЭКГ нинг сифатли инсон-машина интерфейси тузиш учун АДТни қуришда қўйиладиган қўйидаги талаблар ҳисобга олинди: масштаблашуви; фойдаланувчи ҳаракатларига мослашуви; ресурсларда мустақиллиги; кроссплатформалик; мультимедиалик; «олтин нисбат» қоидаси ёки 4/3 ёки иккиннинг квадрат илдизи (1.62 ёки 1.33 ёки 1.41) нисбатлилиги талаблари ҳисобга олинган.



3-Расм. ЭКГ тизими («SuproDil-3») дастурининг асосий ойнаси интерфейсининг кўриниши.

Электрокардиограф дастурий таминотининг *инсон-машина интерфейси* (3-расм) виртуал курилма каби яратилган. Ушбу интерфейс стандарт меню шаклларга нисбатан баъзи афзалликларга эга. Биринчидан, компьютерли бўлмаган ЭКГлар узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, тиббиёт ходимларида маълум стереотиплар пайдо бўлган, шунинг учун экраннинг ташқи кўриниши, ҳақиқий курилмаларнинг кўринишига ўхшашлиги, ишлашни осонлаштиради ва комплекс билан ишлаш қулайлигини таминойди. Иккинчидан, бундай интерфейсни шакли, умумий қабул қилинган иероглифлар ва пиктограммалар мавжудлиги сабабли маълум бир тилга боғлиқликни камайтириб, тил мустақиллигини тақдим этади.

Компьютерли электрокардиографда кардиограмма маълумотлари, олинган санаси ва шифокор томонидан чиқарилган хулоса сақланади. Яна маъсул шифокорнинг исми ҳам эслаб қолинади. Беморда бир нечта кардиограммаси бўлса, шунга мос, шифокорнинг исми кўрсатилиши керак. ЭКГ ишлов берилгандан сўнг, ундан ташхис учун ишлатиладиган керакли параметрлар ажратиб олинади. Умуман 4 та мавжудлик аниқланди: бемор, кардиограмма, кўрсаткичлар ва ташхис ва улар орасидаги муносабатлар, иккита 1 дан 1 гача, иккита 1 дан кўпгачани ташкил қилди. Мавжудлик ва муносабатлар асосида тегишли ER -диаграммаси курилди ҳамда BDE технологияси асосида беморларнинг ЭКГ билан ишлаш учун кардиологик маълумотлар базасининг тузилиши ва интерфейси яратилган. Кардиограмми ёзиб олиш ёки олдингисини кўриш учун, аввал маълумотлар базасидан беморни танлаш (ёки янгисини киритиш) ёки SQL сўрови ёрдамида беморнинг исмини топиб танлаш лозим.

«SuproDil-3» дастури BDE ва IDE Delphi инструментал дастурлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда «Paradox» драйвери орқали *локал маълумотлар базасини бошқариш тизимини* (database management system (DBMS)) амалга оширади. Яратилган «cardio12» маълумотлар базасининг

тузилиши 4 та иерархик боғланган икки ўлчовли жадваллардан иборат, бу ерда калит майдонлардан фойдаланиб, бўйсунувчи ва асосий жадвалларнинг алоқаси яратилган. Маълумотлар базасида ахборотларни қидиришни тезлаштиришда ҳар бир жадвал учун индекс майдонлари яратилган.

ЭКГ сигналининг частота хусусиятларини *экспериментал таҳлил қилиш ва ўрганиш* учун MATLAB да ФТТ ва ТВТ асосида сигнал спектрини аниқлаш дастури ишлаб чиқилди ва трансформация натижалари таҳлил қилинди. Экспериментал маълумотлар сифатида ЭКГ сигналлари физионет очик маълумотлар базасидан олинган. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар юрак уриши бир маъромда бўлса, у ҳолда сигнал спектрида юрак уриш даври аниқ кўринади. Аммо, юрак уриши нотекс (аритмия - ностационар) бўлса сигнал спектридаги юрак уриши хира ва ноаниқ кўришда тасвирланади.

Худди шу сигналнинг ТВТ спектрида юрак уришининг даври маълум бир вақт (Time b) силжишида ва миқёс (Scale) қийматлари тасвирида аниқ кўринади. ЭКГ сигналининг спектрал таркибини баҳолаш учун сигнал энергиясининг асосий қисми қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда эгалаган частоталар чегаралари аниқланди:

$$EnergieECG_{35} = \left(1 - \frac{\sum_{i=1}^{250} SpektrECG[i] - \sum_{i=1}^{35} SpektrECG[i]}{\sum_{i=1}^{250} SpektrECG[i]} \right) 100\% \quad (1)$$

бу ерда, *SpektrECG* - Фурье қатори ташкил этувчи коэффициентларининг модули.


Юқорида келтирилган ЭКГ сигнали учун *EnergieECG₃₅* (1) 84.6627 % ташкил қилди. Бир сонияда 500 марта намуна олинган ЭКГ сигналлари асосида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ушбу сигналларнинг асосий энергиясининг 80% дан ортиғи 35 Гц гача диапазонда тўпланган. ЭКГ сигналини частоталар фазосида оптимал филтрлаш учун, филтр ўтказиш йўлакчаси 0,05 Гц дан 35 Гц оралиғида, сигнални амплитудасини бузмасдан ёки, рухсат етилган 30% ўзгариш билан узатилишини таъминлаши керак (бу номинал қийматнинг 3 дБ ёки 0,707 га тўғри келади) ва чизикли фаза-частота характеристикага эга бўлиши талаб қилинади.

Тажриба натижаларига кўра, «SuproDil-3» дастурий таъминот учун *коэффициентлари бирга ва тартиби иккени даражасига тенг юқори частотали филтр (ЮЧФ) ишлаб чиқилди*, унинг ўзгарувчан қирқиш частотаси (-3 дБ даражасида) 0.05, 0.5 Гц ни ташкил қилди. ЭКГнинг амалда ST сегментини силжишини аниқ ўлчашга ва изолинияни тезда ўрнатишга, частота диапазони мосланган филтр яратилди. Филтрнинг кўрсаткичлари қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Y[i] = X[i] - \frac{1}{N} \sum_{n=0}^{N-1} X[i - n - 1], \quad (2)$$


бу ерда, $X[i]$ ва $Y[i]$ кириш ва чиқиш намуналари, N филтр тартиби ва у мос равишда 2048 ёки 256 га тенг, агар 2 мс (500 Гц) намуналарини олиш даври бўлса мос равишда филтрнинг қирқиш частоталари 0,05 ёки 0,5 Гц га

тенг бўлади. Қиёсий таҳлил қилиш учун ЮЧФ алгоритмлари қуйидаги принциплар асосида танланган: ЭКГ сигнаolini ишлов беришда амплитуда-частота характеристикаси (АЧХ)нинг талаб қилинган сўндириш қиялиги, реал вақтда ишлашини таъминлаш учун чизикли фаза, юқори тартибли, норекурсив филтърлардан фойдаланиш керак. Таққослаш натижалари (4-расм) шуни кўрсатадики, таклиф қилинган алгоритм энг тезкор ($t = 0,01627$ сек) бўлиб, силлиқ АЧХга ва $0,02$ Гц частотада 10 дБ сўндириш хусусиятига эгадир. Демак, таклиф қилинаётган алгоритм реал вақт ЭКГси учун мос келиши ва оптимал эканлиги кўрсатилган.



4-расм. ЭКГ сигнали ЮЧФнинг 4 та алгоритмини АЧХ ва тезкорлик бўйича қиёсий таҳлил натижаси.

Юрак-қон томир тизими касалликларини автоматик диагностика қилиш учун ЭКГ сигнаlining R тишчаларини автоматик равишда аниқлаш алгоритмлари (1-расм) алоҳида аҳамиятга эга. ЭКГ сигнаolini аниқлаш алгоритми таклиф қилинган (5-расм). Алгоритмнинг мавжудлардан фарқи шундаки, дастлабки филтърлаш вейвлет тозалаш асосида амалга оширилади, бу бузилишларни киритмасдан изчил филтърлашни таъминлади. ЭКГ сигнал қийматини квадратга олиш ўрнига сигнал модули олиниши билан ҳам фарқ қилади. Бу алгоритм талаб қилинадиган ҳисоблаш қувватини камайтиради. QRS ни аниқлаш алгоритми (5-расм) вейвлет филтърлаш, сигналнинг беш нуқтали ҳосиласи ва ЭКГ нинг II уланишидаги комплексни аниқлаш учун модулини қийматини ҳисоблашга асосланган. Бундай ҳолда, QRS комплекси кетма-кет уч марта аниқланади ва юрак уриши (юрак уриш тезлиги) учта RR оралиғининг ўртача қийматидан ҳисобланади. Вейвлет филтърлашдан сўнг R тўлқинларини аниқлаш ва юрак тезлигини (Heart Rate) ҳисоблаш қуйидаги босқичларда амалга оширилди:



5-Расм. ЭКГ сигналининг R тишчаларини топиш учун автоматик таниш алгоритмининг блок диаграммаси.

1. Сигналнинг беш нуктали ҳосиласи қўйидагича ҳисобланади:

$y(n) = [2x(n) + x(n-1) - x(n-3) - 2x(n-4)]/8$, бу ерда $x(n)$ - жорий сигнал намунаси, $x(n-1)$ сигналининг навбатдаги намунаси, $x(n-3)$ ва $x(n-4)$ 3 та ва 4 та дан кейин олинган сигналнинг намунаси.

2. Сигнал модули аниқланади: $y^*(n) = |y(n)|$.

3. Қўйидаги формуладан фойдаланиб, интегралаш 160 мсек ораликда ҳисобланади:

$$y_s(n) = \frac{1}{80} \sum_{i=0}^{79} y^*(n-i)$$

аввалги 80 та намунани буферда сақлашга асосланган тез йиғиндини ҳисоблаш алгоритмидан фойдаланамиз. Бундай ҳолда, жорий жавоб йиғинди натижа $y_s(n)$ қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$y_s(n) = y_s(n-1) + \frac{1}{80} (y^*(n) - y^*(n-79))$$

4. Буферда даслабки $y_s(n)$ йиғиндиларнинг 2 сонияси сақланади (1000 та намуна) ва шундан сўнг шу буфердаги максимал қиймат (P) аниқланади.

5. R тишчаларни аниқлаш учун $N = 0,5 * P$ чегара миқдорини ҳисоблади.

6. $y_s(n)$ йиғиндининг ҳар бир нуктаси ҳисобланган N чегара билан таққосланади.

7. ЭКГ намунасининг йиғиндиси $y_s(n)$ миқдори, биринчи марта N чегарани кесиб ўтиши қайд қилинади ва шу намунадан кейин жойлашган янги чўққи P^* аниқланиб, чегара $N = N + 0,5 * (P^* - N)$ қиймати қайта ҳисоблаб чиқилади.

8. QRS комплексининг чўққиси P^* , R тишчасига мос келадиган асл $x(n)$ сигналининг максимал (M1) нуктаси кейинги 40 намуналар ($MAXIMA_SEARCH_WINDOW = 40$) ичида изланади, максимал (M1) ва янги

индекснинг p_j қиймати R тишчаси учраган жой сифатида массивни янги элементи сифатида сақланади.

9. Кейинги R тишчани қидириш учун p_j нуқтадан кейин (SKIP_WINDOW=50) 50 та намунани ўтказиб юборилади чунки, бу максимал юрак уриш тезлиги (яъни дақиқада 240 марта) бўлгандаги, қабул қилинган минимал RR оралиғини таъминлайди.

10. Кейинги бешта QRS чўққиси 3 дан 6 гача кадамларни такрорлаш билан аниқланади.

11. RR оралиғини (интервални) кетма-кет иккита QRS чўққилари орасидаги намуналар сони сифатида ҳисоблади.

12. Қуйидаги формуладан фойдаланиб, юрак уришнинг бир дақиқадаги тезлиги ҳисобланади: $HR = (60 * \text{намуна олиш тезлиги}) / (\text{кетма-кет бешта RR оралиғини ўртачаси})$

13. Аниқланган QRS чўққилари асосида чегара қайта ҳисобланади.

"SuproDil-3" дастурий таъминотида ЭКГ сигналлари таниш учун ишлаб чиқилган алгоритмни ишлатишдан олдин, алгоритмнинг самарадорлиги GUI MATLAB (SymplesQRS) математик муҳитида яратилган дастури томонидан текширилди. ЭКГ сигналларини таниш алгоритмининг самарадорлиги сезгирлик - $S_e = \frac{TP}{TP+FN} \times 100\%$ деб номланувчи нисбий кўрсаткич билан баҳоланди ва экспериментлар натижасида таклиф қилинган алгоритмни сезгирлиги 98,6% ташкил қилди, яъни энг камида 1000 юрак уришидан 986 таси тўғри аниқланиб, фақат 14 тасини ўтказиб юбориши мумкин.

Жадвал 1. ЭКГ сигналлари QRS комплексини реал вақт ичида таниш алгоритмлари қиёсий солиштирма таҳлилининг натижаси.

Солиштириш алгоритми	Бажарилиш вақти, сек	TP	FN	FP	Se, %	Sp, %
Ҳосилага асосланган алгоритм	1,67	340	0	10	100	97
Пан -Томпкинс алгоритми	1,89	325	0	25	93	100
Нольни кесиб ўтиш алгоритми	1,34	329	21	0	94	100
Корреляцион алгоритм	2,67	298	0	52	100	85
Таклиф қилинаётган алгоритм	0,62	344	6	0	98	100

Моделлаштириш ва ҳисоблар MATLAB R2015b (8.6.0.267246) 64bit (win64) дастурий мажмуасида бажарилган, вақт t қўйидаги кўрсаткичларга эга ҳисоблаш машинасида олинган: CPU Intel Core i3 2,53 GHz; оператив хотираси 4 Гб; Видео адаптери AMD Mobility Radeon HD 5000.

Қиёсий таҳлил натижасида, реал вақт ЭКГ таниш алгоритмлари ичида вақт кўрсаткичи (тезкорлиги $t=0,62$) ва аниқлиги (сезгирлиги 98%) бўйича таклиф қилинаётган алгоритм авфзал эканлигини кўрсатмоқда (жадвал 1).

ЭКГ синов сигналлари вазифасини PhysioBank электрокардиограмма маълумотлар банки бажарди, чунки у текин тарқатилувчи катта ресурс

ҳисобланади. «SuproDil-3» дастурий таъминотининг янги версиясида, ташҳис сифатини янада ошириш учун, юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигини ва юрак уриши атипик бўлишини ҳисобга олиб, ЭКГ сигналининг танишда вейвлет трансформатсияси қўлланилди. Илмий тадқиқотлар LABVIEW график дастурлаш тизими ёки Laboratory Virtual Instrument Engineering Workbench (АҚШ) томонидан таклиф қилинган тизимда амалга оширилди, бу одатий дастурлаш тилларидан тубдан фарқ қилади, чунки бир сатр ҳам матн ёзмасдан, алгоритмнинг блок диаграммасини яратишга асосланиб, дастур яратишга имкон беради.

Ушбу яратиш инструментал муҳити, рақамли ЭКГ маълумотлар оқимини текшириш учун, кўплаб «виртуал воситалар» га эга. Бунга Wavelet Denoise воситаси ва WA Multiscale Instrument Detection ни ўз ичига олган Advanced Signal Processing Toolkit дастурий модуллари киради.

Вейвлет функциясининг оиласини тўғри танлаш тавсия етилади. Унинг кўриниши стандарт ЭКГ тасвирига яқин бўлган вейвлет функция оиласидан танлаб, сигнал билан ўзаро боғлиқлиги (ўхшашлиги) таъминлаши муҳимдир. Маълумки, ўхшашлик бўйича яқин қуйидаги вейвлет функциялари бор: db04 (Daubechies - Добеши), симплет (Symlets) sym4... sym7. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, sym5 вейвлет функциясини танлаш сифат жиҳатидан мукамал ҳисобланади. Агар вейвлетда ёйиш даражаси (Levels) 3 дан паст бўлса, ЭКГ сигналидаги шовқинни сўндириш даражаси жуда паст бўлади, лекин агар у 5 дан ортиқ бўлса, у ҳолда Т тўлқини сўндирилиб, ЭКГ сигналининг шакли сезиларли даражада ўзгаради. Шунинг учун ЭКГ сигналларини филтрлаш учун вейвлет функцияси сифатида sym5 ни танлаш тавсия етилади ва ёйиш даражаси 4 га тенг бўлгани мақсадга мувофиқдир. Р тишчаларини аниқлаш чегараси ва қидирув оралиғини тўғри танлаш вейвлет ЭКГ таниш аниқлиги юқори натижалари беришини таъминлайди ва истиқболли ҳисобланади.

ХУЛОСА

«Электрокардиографик сигналларга рақамли ишлов бериш усул, алгоритм ва амалий дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижаларга эришилди.

1. ЭКГ биосигналини олиш ва қайд этишнинг мавжуд усулларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш натижасида замонавий талабларига жавоб берадиган, кўп каналли ЭКГ сигналининг рақамли биоўлчагичи - контроллер ишлаб чиқилган, бу ЭКГ сигналларини таниб олиш алгоритмларини такомиллаштириш ва биосигналларни рақамли ишлов бериш тезкорлигини ошириш алгоритмларидаги асосий йўналишларни такомиллаштиришга имкон берди.

2. Амалий дастурий таъминотни яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида - кўп вазифали MS Windows операцион тизими бошқарувида ишлайдиган, компьютер учун "SuproDil-3" номли амалий дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Инсон-машина интерфейсини

яратишнинг замонавий талабларини ўрганиш асосида, график интерфейсли элементларнинг яратиш қоидаларини қўллаб, кўламлик, ихчам жойлашувлиги ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда, виртуал асбоб кўринишидаги интерфейс яратилган, у маълум бирор тилга боғланмасликни ва ишлаш жараёнининг содда равшанлигини таъминлади.

3. Инструментал дастурлаш BDE технологиясини қўллаб, беморларнинг ЭКГ маълумотлар базаси билан ишлаш учун реляцион маълумотларни бошқариш тизими (РМБТ)нинг тузилиши ва интерфейси яратилди. РМБТ яратишда, беморнинг ЭКГ сигналларини олиш, сақлаш, излаш учун барча моҳиятлар ва уланишлар ҳисобга олинди. Натижада, фойдаланувчи томонидан маълумотлар базасига киритиш жараёнини қулай ва тушунарли бўлишлиги таъминланди.

4. ЭКГ сигналларни филтрлаш ва бошланғич сигналнинг танланган таркибий қисмларини сўндириш алгоритми ишлаб чиқилди. Ҳисоблаш тезкорлигини таъминловчи, ўзгариши 0.05 ёки 0.5 Гц частоталардан бошланиб, 3 дБ чегарасида бўлган рақамли норекурсив юқори частоталар филтрининг алгоритми яратилди. Бу сигнални қайта ишлаш вақтини қисқартириш ва дастурнинг ишлаш унумдорлигини ошириш имконини берди.

5. ЭКГ сигналларининг оқимидаги R тишларнинг жойлашувини автоматик равишда аниқлаш учун алгоритм яратилди ва тавсия этилди. Бу алгоритм реал вақтда ЭКГ сигналинини таниш аниқлигини 98,6% га кўтарди. Юқоридаги алгоритмда қўлланилган вейвлет филтрлаш ва сигнал модулини топиш орқали ўзгартиришни амалга ошириш юқори аниқликдаги унумдорликни таъминлади.

6. LabView график дастурлаш муҳитида, ЭКГ сигналинини филтрлаш учун Wavelet Denoise кенгайтирилган сигнални қайта ишлаш воситаси асосида ишлайдиган рақамли вейвлет трансформацияси текширилди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида ЭКГ сигналининг R чўққиларини топиш учун чуқирлик-чўққилар қидирилаётган оралик ва чегараси тўғри танланган бўлса, вейвлет алмашувини қўллаш истиқболли эканлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

РАЖАБОВ ФАРХАТ ФАРМАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СПОСОБА, АЛГОРИТМА И КОМПЛЕКСА
ПРИКЛАДНЫХ ПРОГРАММ ДЛЯ ЦИФРОВОЙ ОБРАБОТКИ
ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИЧЕСКИХ СИГНАЛОВ**

**05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/T1422.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Джуманов Жамолжон Худайкулович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рахматуллаев Марат Алимович
доктор технических наук, профессор

Рахимов Бахтиёр Саидович
кандидат технических наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «15» апреля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2/186). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «02» апреля 2021 года.
(протокол рассылки № 02 от «14» января 2021 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

М.А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всемирная Организация Здравоохранения (ВОЗ) заявляет, что «...каждый год от сердечно-сосудистого заболевания (ССЗ) умирает 17,5 миллионов человек. Более 75% случаев смерти от ССЗ происходят в странах с низким и средним уровнем дохода. Но 80 % преждевременных инфарктов и инсультов может быть предотвращено»¹. Один из эффективных способов предотвращения смерти от ССЗ это своевременная диагностика на основе современных способов, алгоритмов цифровой обработки электрокардиографических (ЭКГ) сигналов. Поэтому, в этой отрасли в развитых странах, в том числе в США, Японии, Южной Корее, Германии, Китае, России и других странах, проводятся научные исследования по обработке ЭКГ сигналов.

В современном мире в разработке систем медицинской информатики ведется множество научных исследований по разработке программно-аппаратных средств распознавания электрокардиографических сигналов, созданию прикладных программных комплексов обработки ЭКГ сигналов. Как известно, ЭКГ-многоканальный измеритель биопотенциалов сокращения сердечных мышц – миокарда, в связи с этим научные исследования, разработка математических методов, алгоритмов, баз данных для обработки ЭКГ сигналов, а также разработка прикладных программ с удобным интерфейсом являются важной научной и практической проблемой.

В Узбекистане проводятся теоретические и практические исследования по обработке ЭКГ сигналов с использованием современных информационных технологий. В нашей республике уделяется большое внимание развитию информационных технологий, обеспечению широких слоев информационными услугами, созданию удобных программных средств, повышению эффективности использования программных продуктов. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи, как «...внедрение и использование передовых информационных и коммуникационных технологий, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и систему управления»². Использование программных средств для ранней диагностики и своевременной реабилитации больных ССЗ является одной из актуальных проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных программой по реализации концепции развития системы здравоохранения Республики Узбекистан в 2019-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О мерах по коренному совершенствованию системы

¹ https://www.who.int/cardiovascular_diseases/ru/

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

здравоохранения Республики Узбекистан», №УП-5099 от 30 июня 2017 года «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в Республике», №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Научные исследования вопросов съема, регистрации и обработки ЭКГ сигналов, для повышения эффективности цифровой обработки, проводятся в научных центрах развитых государствах мира.

